

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА ЭЛНОРАХОН АБДУКАРИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДАГИ
КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – «Менежмент» (иқтисодиёт фанлари)

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Муминова Элнорахон Абдукаримовна

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш.....3

Муминова Элнорахон Абдукаримовна

Совершенствование методологии управления деятельностью предприятий корпоративного управления в Узбекистане29

Muminova Elnorakhon Abdukarimovna

Improving the methodology of managing the activities of enterprises corporate governance in Uzbekistan55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА ЭЛНОРАХОН АБДУКАРИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДАГИ
КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – «Менежмент» (иқтисодиёт фанлари)

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Iqt170 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фаргона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Ханкелдиева Гузал Шеровна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич
ЎЗР ФА академиги

Суюнов Дилмурод Холмуродович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Набиев Элшод Ғаниевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июль кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «14» ктябрь кунини тарқатилди.

(2021 йил «14» ктябрь даги 9 ракамли реестр баённомаси).


Ш.А. Тошматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Исламкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Д.Н. Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда корхоналарни бошқаришда стратегияларни танлаш, корпоратив бошқарув тамойилларини комплекс тадқиқ этиш бўйича кўплаб амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида, «2020 йил якунларига кўра, глобал бозор капиталлашувининг 95 фоизи корпоратив бошқарув асосидаги 54 та йирик корхона ҳиссасига тўғри келган. Жумладан, мазкур корхоналарда давлат улуши 20 фоиз бўлиб, уларнинг бозор капиталлашувидаги улуши 13 фоизни ташкил этган. Корпоратив бошқарув асосида фаолият юритувчи хусусий корхоналарнинг улуши 41 фоизга тенг бўлган»¹. «Корпорация даромадлари АҚШнинг ЯИМи таркибида 2182 млрд. АҚШ доллари, Хитой ЯИМи таркибида 1192 млрд. АҚШ доллари, Саудия Арабистони ЯИМи таркибида эса, 356 млрд. АҚШ долларини ташкил этади»². Шунинг учун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда корпоратив тузилмалар нисбатан устуворликка эга бўлиб, корпорациялардаги бошқарув услубиятини такомиллаштиришни талаб этади.

Глобаллашув шароитида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда корпорация иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлар уйғунлигини комплекс баҳолаш, бошқарув фаолиятига халқаро стандартларни татбиқ этиш учун, аввало, корпоратив бошқарув механизмининг замонавий амалиётини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан тўқимачилик саноати тараққиётини инновацион кластерлар орқали рағбатлантириш, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмига рақамли технологияларни қўллаш, блокчейн технологиялар асосидаги ўзгаришларга корхоналарнинг мослашувчанлигини таъминлаш, корпоратив бошқарув сифатини ошириш методологиясини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»³ муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга оширишда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, корхоналарда корпоратив бошқарув сифатини ошириш услубиятини такомиллаштириш масалалари долзарб муаммолардан биридир.

¹G20-Report-Implementation-Corporate-Governance-Principles-2019.<https://www.oecd.org/daf/ca/G20-Report-Implementation-Corporate-Governance-Principles-2019.pdf>

²<https://www.worldbank.org>

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаби юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон «2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, жаҳондаги етакчи университет ва марказлар томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), United Nations Development Programme (UNDP), Asia-Pacific Economic Cooperation (APEC), World Bank, Singapore Management University (Сингапур), Economic Development Institute,

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: OECD G20-Report-Implementation-Corporate-Governance-Principles-2019. <https://www.oecd.org/daf/ca/G20-Report-Implementation-Corporate-Governance-Principles-2019.pdf>; Savard, K., Wickramarachi, H., Devol, R. C., & Prabha, A. (2013). Global opportunity index: Attracting foreign investment. Milken Institute Report; A Corporative Study of Investment Attractiveness of Nations and Regions // Singapore Management University, 2000; Strokov, A. I. (2014). The methodological aspects of assessing the attractiveness of investments made into financial assets and real projects. Life Science Journal, 11(10), 682-686; Kun, Y., & Zhang, Z. (2011, January). Study on type identification and policies of foreign investment attractiveness of provinces in China based on principal component analysis. In MSIE 2011 (pp. 726-730). IEEE. Baums, T. (1994). Corporate governance in Germany: System and recent developments. Inst.für Handels-und Wirtschaftsrecht Berthelot, S., Francoeur, C., & Labelle, R. (2012). Corporate governance mechanisms, accounting results and stock valuation in Canada. International Journal of Managerial Finance; Клейнер Г.Б. (2005). Управление корпоративными предприятиями и экономика знаний. Мир России. Социология. Этнология, 14(4); Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. – Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: 2007. – 338 б; Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар. Монография. – Т.: 2021. – 232 б.

Harvard University (АҚШ), Montpellier Business School, Oxford University (Буюк Британия), Kyung Hee University, (Корея), Vaseda University (Япония), Санкт-Петербург иқтисодиёт ва бошқарув университети (Россия).

Корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга оид қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда: корхонанинг бошқарув сифати даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган (Kyung Hee University, Корея), йирик корпорацияларга жалб қилинган инвестициялар жозибадорлигини баҳолашнинг моделлари ишлаб чиқилган (Singapore Management University, Сингапур); корхоналар бошқарувида рақамли технологияларни қўллашни кенгайтириш масалалари тадқиқ қилинган (National Development and Reform Commission, Хитой); давлат акциядорлик жамиятлари бошқарув кенгашлари ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш мезонлари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург иқтисодиёт ва бошқарув университети).

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш, корхоналарни бошқариш механизмларига рақамли технологияларни жорий этишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур масалалар ҳанузгача илмий жиҳатдан ўз мақбул ечимини топмаган. Айниқса, тўқимачилик саноати корхоналарини бошқариш самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик, услубий ва иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича, хусусан, корпоратив бошқарувнинг методологик асосларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий ва иқтисодий ривожланиш хусусиятларини баҳолаш, замонавий халқаро стандартлар асосида ривожлантиришнинг истиқболларини белгилаш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарнинг корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш методологияси ҳамда замонавий усуллари хорижлик олимлардан А.Берли, П.Дойль, С.Доннел, У.Кинг, С.Майерс, Г.Минз, Е.Розенбаум, Ж.Эткинсонларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган⁵.

МДХ олимларидан И.Ансофф, В.Антонов, Л.Абалкин, С.Карнаухов, В.Ковалёв, В.Крылов, А.Кузьмичев, Д.Радыгин, И.Храброва, Л.Шишкин, Ю.Якутиннинг асарларида самарали корпоратив тузилмаларни такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилган⁶.

⁵ Babeau A. (1969). Berle (AA), Means (GC)-The modern corporation and private property. *Revue économique*, 20(6), 1042-1042.; Rosenbaum E.F., Bönker F., & Wagener H.J. (2000). Privatization in context: an introduction. In *Privatization, Corporate Governance and the Emergence of Markets* (Pp. 1-13). Palgrave Macmillan, London.

⁶ Ансофф И. (1999). Новая корпоративная стратегия (416 с.); Антонов В.Г., Крылов В.В. & Кузьмичев А.Ю. (2006). Корпоративное управление. Учебное пособие./Под ред. ВГ Антонова. – М.: ИД «ФОРУМ», ИНФРА-М; Иванов И.Н. (2004). Менеджмент корпорации; Иванова Е.А., & Шишкина Л.В. (2007). Корпоративное управление: учеб. пособие под ред. В.Ю. Наливайского; Ковалёв В.Р. Корпоративное управление в России: теория, структура и новые стратегии развития. Дисс. на соиск. учен. степ. д.э.н. – Санкт-Петербург, 2004. – 285 с.; Корпоративная стратегия: Пер. англ. - М.: «Альпина», 2008. – 266 с.; Храброва И.А. (2000). Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.: Альпина.

Маҳаллий олимлар Қ.Абдурахманов, С.Гулямов, Н.Йўлдошев, Ш.Зайнутдинов, Р.Нуриббетов, Д.Раҳимова, Э.Набиев, А.Хошимов, Д.Суюнов, М.Хамидулин, Н.Расулов, М.Саидов, Р.Яушев, Г.Ханкелдиева ва бошқаларнинг илмий изланишларида корпоратив бошқарув жараёнларининг назарий-методологик ҳамда илмий-амалий муаммолари кенг ўрганилган⁷.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштиришда илғор рақамли технологияларни, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли шароитида замонавий менежмент усуллари қўллаш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммоларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона вилояти Худудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамда Фарғона политехника институтининг ЁА-2-002 «Рекрутинг хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш (Фарғона вилояти мисолида)» мавзусидаги ёшлар амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2014-2016 йй).

Тадқиқотнинг мақсади корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқаришнинг илмий-методологик асосларини тадқиқ этиш;

корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятида манфаатлар уйғунлигини комплекс баҳолашнинг методологик жиҳатларини кўриб чиқиш;

⁷ Абдурахмонов Қ.Х. Labor Migration of The Population and Evaluation of Supply Chain on the Labor Market. International Journal of Supply Chain Management. IJSCM, United Kingdom. (<http://excelingtech.co.uk>), Vol.8. April 2019. – Pp.896-907; Гулямов С.С. Задачи совершенствования системы корпоративного управления в Узбекистане // Корпоративное управление в Узбекистане: материалы научно-практической конференции. – Т.: 2004. – С.143-145; Раҳимова Д.Н., Зайнутдинов Ш.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: «Akademiya», 2007. – Б.312; Нуриббетов Р.И., Тургенева С.И. Корпоратив бошқарувда стратегик менежмент самарадорлигини ошириш йўллари. Монография – Т.: «Фан». – 135 б; Набиев Э.Г. Менежмент маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т., 2017. – 519 б; Расулов Н.М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2010. – 161 б; Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усуллари жорий этиш масалалари («Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик корхонаси мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2009. – 176 б; Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизминини жорий этишни такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2008. – 261 б; Хошимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2007. – 338 б; Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2018. – 254 б.

тўқимачилик саноати корхоналарининг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг методологик усулларини тавсифлаш;

тўқимачилик саноати тармоғида инновация фаолиятини рағбатлантириш асосида кластерларни бошқариш механизмини такомиллаштириш;

тўқимачилик саноати тармоғи акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш;

рақамли иқтисодиёт шароитида тўқимачилик саноати тармоғи корхоналарида блокчейн технологиялар асосида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш механизмларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

тўқимачилик саноати корхоналарида корпоратив бошқарув сифатини баҳолаш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни тизимлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, омилли таҳлил, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рақамли иқтисодиёт шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида блокчейн технологиялар асосида рақамли ўзгаришларга корхоналарнинг мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш сценарийлари ишлаб чиқилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти кўрсаткичлари (бошқарув ходимлари сони, бошқарув харажатлари, капитал қўйилмалар) асосида корпоратив бошқарув сифатини ошириш методологияси таклиф этилган;

корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда акциядорлар, корпоратив иштирокчилар иқтисодий манфаатлари уйғунлигини комплекс баҳолаш усули илмий асосланган;

тўқимачилик саноати тармоғида инновация фаолиятини рағбатлантириш асосида худудлардаги инновацион кластерларни вертикал ва горизонтал бошқарув механизми таклиф этилган;

тўқимачилик саноати тармоғи корхоналари рақамлашуви натижасида корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарнинг ташкилий-иқтисодий механизмини рақамли технологиялар орқали бошқариш йўналишлари илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корпоратив бошқарувнинг тадқиқот йўналишларини турли илмий-тадқиқот усулларини қўллаш асосида белгилаш имконини берувчи

корпоратив бошқарувни тадқиқ этишнинг фундаментал модели ишлаб чиқилган ва ундан фойдаланиш йўналишлари кўрсатиб берилган;

тизимли ёндашув асосида тўқимачилик саноатининг худудий кластерини бошқаришнинг вертикал ва горизонтал тузилмалари бўйича афзалликлари асосланган;

тўқимачилик саноати тармоғи корхоналарининг рақамлашуви натижасида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми стратегик, функционал, оператив ҳамда блокчейн технологиялар негизида бошқарув мезонларини кенгайтириш услубияти такомиллаштирилган;

тўқимачилик саноатида инвестицион фаолиятни бошқаришда иқтисодий, технологик, ташкилий ҳамда ижтимоий жиҳатларни баҳолаш асосида корхоналар рақобатбардошлигини таъминловчи параметрлар илмий асосланган;

тўқимачилик саноати корхоналарининг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи стратегиянинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг корреляцион-регрессион таҳлиллари асосида 2021-2025 йиллар учун прогноз сценарийлари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги бу жараёнда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, мавзуга дахлдор бўлган қонунларга таянилгани, аниқ меъёрий ҳужжатлардан ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилгани, шунингдек, мавжуд бўлган бошқа амалий маълумотлар базаси ва таҳлиliga асослангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан корхоналарда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услублари ва уларнинг самарадорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга бағишланган келажакдаги махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, мазкур тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқилган назарий-услубий тавсиялардан Ўзбекистонда корпоратив бошқарув даражасини такомиллаштиришда ҳам фойдаланилиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва баҳолаш билан боғлиқ натижалар акциядорлик жамиятлари ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар фаолияти, бошқа манфаатдор тузилмаларда истиқболли дастур ва режаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рақамли иқтисодиёт шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида блокчейн технологиялар асосида рақамли ўзгаришларга корхоналар

мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш сценарийлари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар фаолиятида, жумладан, «POSCO International Textile» МЧЖ хорижий корхонаси фаолиятида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 мартдаги 04/06-1040-сон ва «POSCO International Textile» МЧЖ хорижий корхонасининг 2021 йил 17 мартдаги № 21-PLA-023-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида, тўқимачилик саноати корхоналарида блокчейн технологиялар асосида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш, рақамлашув ўзгаришларига корхоналар мослашувчанлигини таъминлаш, мавжуд моддий ва молиявий ресурсларнинг муқобил тақсимотини амалга ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, тўқимачилик корхоналарида бошқарув харажатларининг 15 фоизга камайишига эришилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти кўрсаткичлари (бошқарув ходимлари сони, бошқарув харажатлари, капитал қўйилмалар) асосида корпоратив бошқарув сифатини ошириш методологияси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар фаолиятида, жумладан, «POSCO International Textile» МЧЖ хорижий корхонаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 мартдаги 04/06-1040-сон ва «POSCO International Textile» МЧЖ хорижий корхонасининг 2021 йил 17 мартдаги № 21-PLA-023-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида, «POSCO International Textile» МЧЖ хорижий корхонасида, тўқимачилик корхоналарида корпоратив бошқарув сифатини баҳолашга қаратилган таклиф рентабеллик даражасининг 4,5 фоизга ва активлар рентабеллигининг 17,8 фоизга ошишига эришилган;

корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарнинг узок муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда акциядорлар, корпоратив иштирокчилар иқтисодий манфаатлари уйғунлигини комплекс баҳолаш бўйича таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда корпоратив бошқарув мезонларини қўллаш бўйича йўриқномани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 мартдаги 04/06-1040-сон маълумотномаси). Натижада, тўқимачилик корхоналари қийматини самарали бошқаришнинг акциядорлар ва корпоратив муносабатлар иштирокчилари иқтисодий манфаатлари мувозанатини ҳисобга олувчи механизм яратилган;

тўқимачилик саноати тармоғида инновация фаолиятини рағбатлантириш асосида худудлардаги инновацион кластерларни вертикал ва горизонтал бошқарув механизми «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 мартдаги 04/06-1040-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион лойиҳалар амалга оширилиши муддатларининг мунтазам

мониторингини амалга ошириш асосида инновацион кластерни ташкил этган ҳолда ҳудуд иқтисодиёти, тўқимачилик корхоналари ва бошқа иштирокчилар учун афзалликларни дефференциал аниқлаш имконини берувчи механизм самарали ва операцион бошқарув қарорлари қабул қилинишига хизмат қилган;

тўқимачилик саноати тармоғи корхоналари рақамлашуви натижасида корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарнинг ташкилий-иқтисодий механизми «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 мартдаги 04/06-1040-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тўқимачилик саноатида фаолият кўрсатаётган корхоналарда рақамли бошқарув тизимларини жорий этишнинг самарадорлиги, стратегик, функционал, оператив ҳамда блокчейн технологиялар негизида бошқарув тизимидаги қўшган ҳиссасини баҳолаш тамойиллари ва усулларини биргаликда қўллашни назарда тутувчи синергетик самарага эришиш имкони яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 13 та республика миқёсида ўтказилган – жами 23 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, жумладан: 1 та дарслик, 6 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 20 та, хорижий журналларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 233 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Рақобат муҳити шароитида корпоратив корхоналар фаолиятини бошқаришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланиб, корпоратив бошқарув корхоналарида мулкый муносабатларни амалга ошириш асослари, миллий корпоратив тизимининг ривожланиши, манфаатлар уйғунлигини комплекс баҳолашнинг методологик жиҳатлари ҳамда бу борадаги илғор хорижий тажрибалар ёритилган.

Корпоратив бошқарувда корпоратив тизимнинг самарадорлиги негизда манфаатлар мувозанатига эришиш ётади, бу эса, кўп жиҳатдан корпоратив муносабат ва ҳаракатлар меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлиб, ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

Хорижлик олима И.Храброванинг фикрича, «корпоратив бошқарув бизнесни ташкилий-ҳуқуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш, корхона мақсадларига мос келувчи ташкилот ичидаги тузилмаларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатиш» ҳисобланади⁸. С.Карнаухов фикрига кўра, «корпоратив бошқарув – синергетик самараларнинг маълум бир тўпламини бошқариш»дир⁹.

Муаллиф фикрича, ушбу таърифлар бизнеснинг корпоратив шаклларида фойдаланиш натижаларига тааллуқли бўлиб, бевосита муаммонинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди.

Маҳаллий олимлар Ш.Зайнутдинов ва Д.Рахимовалар: «Корпоратив бошқарув манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир», деб таъриф берганлар¹⁰. Иқтисодчи олим Д.Суюновнинг таърифига кўра: «Корпоратив бошқарув корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир»¹¹.

Муаллиф фикрича, «Корпоратив бошқарув корхона томонидан танланган мулкдорлар, Кузатув кенгаши ва менежменти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик усули бўлиб, корхона фаолияти натижаларининг акциядорлар, шунингдек, бошқа молиявий манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тарзда тақсимланишини таъминлайдиган тизимдир».

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тўқимачилик тармоғи корхоналари акциядорлари ва ижрочилари манфаатларининг тўла мос келмаслиги жамиятни бошқариш механизмини мустаҳкамлаш заруратини юзага келтиради. Жумладан, акциядорларнинг асосий манфаати тўланадиган дивидендлар миқдори ва акциялар бозор баҳосининг ошиши ҳисобига фойда олишдан иборат бўлса, ижрочи (ёлланма менежер)лар манфаатининг асосини корхона обрўсини ошириш каби мақсадлар ташкил қилади.

Корпоратив бошқарувдаги мулк эгалари ва менежерларнинг корхона якуний натижасига бўлган манфаатларини уйғунлаштириш («principal-agent problem») услубиятида амалда мулк эгалари («principals») корхонанинг кўпроқ фойда олишидан манфаатдордирлар. Чунки уларнинг акцияларига оладиган дивидендлари миқдори фойда миқдорига боғлиқ. Аммо менежерлар корхонанинг ялпи даромади ортисидан манфаатдор. Иш ҳақи миқдори, иш

⁸ Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика. – М., 2000. – С.64.

⁹ Карнаухов С.А. Эффективность корпоративных структур //РИСК №1-2., – М., 2000. – С.4.

¹⁰ Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Akademiya, 2007. – Б.48.

¹¹ Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Akademiya, 2006. – 116 б.

жойларининг кафолатланганлиги, меҳнат шароити, корхона имижи, унинг ялпи тушуми, даражаси ва миқдорига боғлиқ.

Бундай ҳолатларда муаммо шундан иборатки, ҳар иккала томон (иш берувчи - мулк эгаси ва ишга ёлланувчилар - менежерлар) корxonанинг якуний фаолиятдан бир хил даражада манфаатдор бўлмоғи лозим. Ушбу муаммони корхонадаги мулк эгалари ва бошқарувчилар манфаатини уйғунлаштиришга йўналтирилган рағбатлантириш услубиятини ишлаб чиқиш орқали ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган услубиятга кўра, корхоналарда менежерларни рағбатлантириш, уларнинг якуний натижани максималлаштиришга қўшган хиссасини қуйидаги 1-формула орқали ҳисоблаймиз:

$$Y - X_E = Y - 0,5ce^2 \quad (1)^{12}$$

Иш берувчи ёлланган ишчининг натижасини (π) ўлчаш ва кузатиш имкониятига эга, аммо унинг ҳаракатларини кузата олмайди. Демак, (2) тенгламага кўра, ёлланган ишчининг иш ҳақи натижага боғлиқ, аммо унинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Хусусан, ёлланган ишчи белгиланган ўзгармас иш ҳақи (α) ва унинг натижага боғлиқ бўлган иш ҳақи ($\lambda\pi$) йиғиндисига тенг бўлади. Бу ерда иккита экстремал ҳолат бўлиши мумкин:

- 1) $\lambda=0$, яъни ўзгармас иш ҳақи белгиланган шартнома;
- 2) $\lambda=1$, яъни бошқарувчи натижадаги ҳар бир сўм иш ҳақига қўшимча бир сўм компенсация олади.

Агар λ коэффицент 0 ва 1 оралиғида бўлса, ёлланган ишчи фойдадан қисман улушини олади. Бу фарқ, яъни пасайиш ёлланган ишчининг риск мукофоти (PM), деб аталади.

Ўз навбатида, мулк эгасининг моддий фаровонлиги 2-формула билан ҳисоблаб топилади:

$$M\Phi_p = E[\pi - Y] = E[\pi - (\alpha + \lambda\pi)] = (1 - \lambda)k\epsilon - \alpha \quad (2)^{13}$$

Мулк эгаси ва ёлланган ишчининг моддий фаровонлиги биргаликда қуйидагича тасвирланади:

$$M\Phi_x = M\Phi_p + M\Phi_A = k\epsilon - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - 0,5ce^2 \quad (3)^{14}$$

Умумий моддий фаровонлик кутилаётган соф фойда ($\pi = k\epsilon$), минус ёлланган ишчининг қўшимча уриниш харажатлари ва мукофотланиш асосида ёлланма ишчи ўзининг моддий фаровонлигини максималлаштиришни инобатга олиб, у қанчалик қўшимча уриниш қилишини топиш лозим.

$$M\Phi_x = M\Phi_p + M\Phi_A = k \frac{\lambda k}{c} - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - 0,5c \left(\frac{\lambda k}{c} \right)^2 = \frac{\lambda k}{c} - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - \frac{0,5r\lambda^2 k^2}{c} \quad (4)^{15}$$

Самарали шартнома λ даги улушларни ва умумий манфаатдорликни максималлаштиришни кўзда тутди. Тадқиқотларимиз натижаларидан кўриниб турибдики, умумий фойда ўзгармас иш ҳақи (α) боғлиқ эмас.

¹² Муаллиф ишланмаси.

¹³ Муаллиф ишланмаси.

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

Ўзгармас иш ҳақини ҳар хил қийматларига яраша, умумий фойдани қайта тақсимлаш мумкин.

λ -коэффициентига нисбатан натижани оптималлаштириш шarti:

$$\frac{dM\Phi_p}{d\lambda} = \frac{k^2}{c} - r\lambda\sigma^2 - \frac{\lambda k^2}{c} = 0 \quad (5)^{16}$$

Ушбу ибора томонларнинг фойдадаги улушини оптималлаштиришга хизмат қилади. Агар ёлланма ишчи рискка фарқсиз бўлса ($r = 0$), оптимал шартномада $\lambda^* = 1$ бўлади.

Ёлланма ишчи ҳар бир қўшимча сўмга мукофот олади. Бу эса, ишчи томонидан катта уриниш бўлишини таъминлайди. Агар уринишлар (k) жуда маҳсулдор бўлса самарадорлик менежернинг фойдадаги улуши юқори бўлишини таъминлайди. Аксинча, агар натижани олиш эҳтимоллиги паст бўлса, ёки ёлланма ишчи рискдан кўпроқ ранжиса (σ^2 ёки r - юқори), самарали шартнома паст даражадаги фойда улушини кўзда тутди. Бундай ҳолатда риск даражаси қанча паст бўлиб, ёлланган ишчининг ҳаракатлари қанча юқори бўлса, менежернинг фойда тақсимотидаги улуши шунча самарали бўлади.


Ёлланган ишчининг рағбатлантирилиши эса, фойда миқдорига боғлиқ бўлади. Корхонанинг умумий фойдаси менежер уринишлари ва бошқа омилларга боғлиқ деб айтиш мумкин. Миллий корпоратив корхоналарда самарали мулкдорларни шакллантириш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал қилиш корпоратив бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда бошқарув сифатини ошириш билан узвий боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, корпоратив муносабатлар турли иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари ўзаро фарқ қилиб, корпоратив бошқарув шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда мулк эгалари ва бошқарувчилар манфаатини уйғунлаштиришга йўналтирилган рағбатлантириш услубиятини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ва унинг ривожланишига методологик ёндашувлар» номли иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корпоратив корхоналари фаолиятининг замонавий ҳолати, корпоратив бошқарувини ривожлантиришнинг методологик усуллари ҳамда енгил саноат тармоғини узок йилга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси ёритиб берилган.

Саноат соҳасини инновацион ривожлантириш, жаҳон талабларига мос келадиган даражада техника ва технологиялар билан таъминлаш, ушбу соҳада экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш замон талабларидан биридир. Республикада олиб борилаётган жадал ислохотлар натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатдошлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Буни қуйидаги 1-расм маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

¹⁶ Муаллиф ишланмаси.



1-расм. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўзгариши, фоизда¹⁷

Таҳлил қилинаётган 2012-2020 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 109,6-115,5 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктурасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жадал ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарда самарали корпоратив бошқарув тизимида замонавий услубларни кенг жорий этиш ҳисобига юз берган.

Корпоратив бошқарув тизимида замонавий услубларни жорий этишда: 1) акциядорлар умумий йиғилишларини, кузатув кенгашлари ва ижро органлари мажлисларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш; 2) корхоналар фаолияти ва уларнинг битимлари шаффофлиги (ошкор қилиш тизимини такомиллаштириш) ва ички молиявий назорат тизимини такомиллаштириш; 3) корхонани бошқаришда кузатув кенгашининг ролини кучайтириш (кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш, кузатув кенгашлари қошида тегишли қўмиталарни тузиш); 4) ижро органларининг кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишларига ҳисобдорлигини ошириш; 5) акциядорлик жамиятини ривожлантириш учун оқилона дивиденд сиёсати ва стратегиясини яратиш.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг корпоратив бошқарувини самарали ташкил этишда ҳам бир қатор вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади, уларнинг асосийси, мулкдорлар манфаатлари учун бошқарувнинг шаффофлигини таъминлаш, барча акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий натижаларни олиш ва тақсимлаш билан боғлиқ акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқаришда илғор техника ва технологияларни қўллаш асосида тўқимачилик матолари ва

¹⁷ Муаллиф ишланмаси.

улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини таъминлаш; кам чиқинди чиқадиغان технологияларни қўллаш асосида янги турдаги тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; янги технологиялар ва рақамлаштирилган юқори унумдорликда ишловчи ускуналар тизими асосида ишлаб чиқариш жараёнини барқарорлаштириш муҳим ҳисобланади.

Республикада ЯИМ ва унинг таркибида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини 1-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва тўқимачилик тармоғининг ўсиш суръати, трлн.сўм ҳисобида¹⁸

| Кўрсаткичлар | йиллар | | | | | | | | |
|------------------------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| ЯИМ | 120,1 | 144,5 | 177,2 | 210,2 | 242,5 | 302,5 | 406,6 | 511,8 | 580,2 |
| Саноат ишлаб чиқариш ҳажми | 57,6 | 70,6 | 84,2 | 97,6 | 111,9 | 148,8 | 235,3 | 322,5 | 367,9 |
| Қайта ишлаш саноати | 43,6 | 55,3 | 67,1 | 77,1 | 89,8 | 117,7 | 189,6 | 254,8 | 286,3 |
| Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 7,6 | 8,9 | 10,8 | 13,2 | 13,3 | 16,8 | 24,8 | 29,9 | 34,3 |

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 2020 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 580,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 137,0 фоизга ошган. Мазкур ҳолат мамлакатда тўқимачилик тармоғида кластерларини ташкил этиш ҳисобига юз берган.

Хулоса ўрнида, корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги мезон ва кўрсаткичлари уни тўғри ҳисоб-китоб қилишни таъминлайди, молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичларни қамраб олувчи бошқарув фаолиятини комплекс баҳолаш услубиятидан тўқимачилик корхоналарида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот ишининг «**Ўзбекистонда корпорацияларда инновацион-инвестицион фаолиятни бошқариш жараёнларининг ҳозирги ҳолати ва уларни ривожлантириш тенденциялари**» деб номланган учинчи бобида тўқимачилик корхоналарида инвестицион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш, инновация фаолиятини рағбатлантириш асосида инновацион кластерларни бошқариш механизми, инновацион-инвестицион фаолиятни бошқаришни амалга ошириш тенденциялари ва устувор йўналишлари ёритиб берилган.

Инновация фаолиятини рағбатлантириш асосида инновацион кластерларни бошқариш механизми ҳудудларда саноат кластерларини

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ривожлантиришга ва уни самарали бошқариш истиқболларини белгилашга замин яратади. Пировард натижада, тармоқда инвестицион жозибадорлик ва инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишга эришилади.

Тўқимачилик саноат корхоналарида ҳудудий кластерларни шакллантириш ва илмий-услубий масалалар таснифи келтирилган бўлиб, ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ҳудуд тўқимачилик саноатида тизимли амал қилувчи барқарор кластер механизмини бошқаришни ташкил этиш ва самарали жорий этишни белгилайди. Тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерларни бошқариш механизмидаги асосий омилларни шакллантириш ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради (2-расмга қаранг).


Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ривожланаётган тармоқлардаги кластерлар кўп сонли кетма-кет зиналардан ҳамда асбоб-ускуналар ва бошқа ихтисослашган ресурслар билан таъминлайдиган тармоқлардан таркиб топган вертикал занжир кўринишида намоён бўлади. Кластерларнинг шаклланиши алоҳида олинган тармоқларда жараённи тезлаштиради, инновацияларни ривожлантиради ва жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятини кучайтиради.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, ушбу дастурларда ҳудудларнинг инновацион тараққиётига хизмат қилувчи дастлабки илмий-услубий омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқ¹⁹.

Тўқимачилик саноатининг ҳудудий кластерини шакллантириш ва ривожлантириш умумий тизим тамойилларига асосланиб, ички ва ташқи тизимли омилларни ҳисобга олади. Умумий тизим тамойиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирига боғланган иштирокчилардан ташкил топган кластерлаш объектининг тизимли кўриниши нуктаи назаридан кластер бир вақтнинг ўзида бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ташкилотлар (корхоналар, хом ашё етказиб берувчилар, ускуналар етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлар, консалтинг ва маркетинг хизматлари) дан иборат. Тўқимачилик саноати ҳудудий кластерининг самарали ишлаши ташқи (давлат томонидан тартибга солиш омиллари, ресурслар, бозор, иқлимий, сиёсий, ижтимоий) ва ички (мақсад, вазифалар, тузилма, кадрлар, технология) кластерига ижобий ва салбий таъсирини ҳисобга олиш асосида таъминланади.

Муаллиф фикрича, ҳудудий кластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантиришда давлатнинг роли қулай ишбилармонлик муҳити учун асосий шароитларни яратиш, тадбиркорликни, айниқса кичик бизнесни рағбатлантириш, олий таълим муассалари, илмий – тадқиқот институтлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш ҳудудни барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

¹⁹Бойко И.В. Регион: первичный уровень формирования национальной инновационной системы // Инновации. 2002, №9-10. – С.54-56; Бялковская В.С. Программно-целевые методы в развитии промышленности. – М.: Экономика, 1983. – С.66; Целевые программы развития регионов: рекомендации по совершенствованию разработки, исследований. – М.: Московский общественный научный фонд, 2010. – С.180.



2-расм. Тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерларни шакллантириш механизмини бошқариш²⁰

²⁰ Муаллиф ишланмаси.

Кластер иштирокчилари ўртасидаги алоқалар - инвестиция, ишлаб чиқариш, ва рақобатбардош кадрлар тизимини шакллантирувчи омиллар ҳисобланади. Ушбу омилларни баҳолаш, бошқариш ва ташкил этиш тўқимачилик саноати соҳасида самарали фаолият кўрсатадиган кластерни шакллантириш учун зарур шартларни яратади.

Хулоса ўрнида, кластер асосида ҳудудий инновацион тизим модели ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳудуд хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг барча субъектларининг фаол инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва молиявий шароитларни яратади.

Диссертация ишининг **«Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи бобида тўқимачилик саноати корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш механизми, корхоналарда корпоратив бошқарув сифатини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Диссертация ишида акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувида акциядорлар ваколатини ҳамда нуфузини ошириш акциядорлар ва корхона манфаатлари ўртасидаги тафовут мувозанатини таъминлаш; корпоратив бошқарув тизимида блокчейн технологиясини кенг қўллаш билан бир қаторда унинг бошқарув фаолиятида самарали қатнашиш механизмини ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув тизимини такомиллаштириш ва иқтисодий фаолиятни ташкил этишда юқори натижаларга эришиш мумкин. Бундай натижаларга эришиш сабабларидан бири бошқарув жараёнига рақамли технологияларни қўллашдир. Шу мақсадда ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларга хос бўлган бошқаришнинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз (3-расмга қаранг).

Тўқимачилик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари унинг асосий функциялари таъсири остида белгиланиши лозим. Шунинг учун олиб, тўқимачилик саноати корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ишида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муаллиф фикрича, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув, ҳал қилинадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тармоқ ичида корпоратив корхоналар фаолияти барқарорлигининг ошишига имкон беради.

Корпоратив мақсадларни амалга ошириш муайян фаолият соҳаси учун директорлар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган стратегия моделлари билан бевосита боғлиқ.



3-расм. Тўқимачилик саноати корхоналарида рақамлаштирилган корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми²¹

²¹Ашуров З.А. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. – Т.: 2013. – Б.34..

Албатта, корпорациянинг юқори бошқарув органлари, иложи борича, ички ва ташқи бизнес жараёнларига бўлинишни ҳимоя қилади, жумладан, акциядорларнинг ички жараёнларга киришини чеклайди, аммо рақамли технологиялар (блокчейн) бундай сунъий такрорлашнинг самарасизлигини тасдиқлайди ва қисқа вақт ичида ички ва ташқи муҳитлардан фойдаланиш мумкин бўлган бизнес жараёнларини лойиҳалаш заруратини амалга оширишга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида умумий корпоратив бошқарув концепциясини ишлаб чиқишда тармоқ корхоналарининг иқтисодий натижаларининг куйидаги сценарийларидан фойдаланиш таклиф этилган:

1-сценарий. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар кўйилган мақсадларга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун бошқарув жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланадилар. Ушбу сценарий бўйича корхона бизнес жараёнига тўлиқ рақамли технологияларни жорий этмагунга қадар ўзининг аввалги бошқарув ёндашувларини сақлаб қолади. Мазкур сценарийдан йирик корпорация таркибига кирмаган корхоналар бизнес-жараёнларни бошқаришда фойдаланиши мумкин.

2-сценарий. Корпоратив бошқарувнинг алоҳида жараёнларини рақамли технологиялар асосида ўзгартириш. Янги технологиялар ишлаб чиқариш жараёнида аввал ечимини топмаган муаммоларни ҳал қилишга, янги маълумотлардан тезлик билан хабар топиш имконини берган тақдирдагина ўринли бўлади.

3-сценарий. Биринчи ва иккинчи сценарийлар эволюцияси доирасида, корпоратив бошқарувни платформалаштириш. Бугунги кунда кўплаб асосий вазифаларни ҳал қилиш рақамли технологиялар асосида амалга оширилиши мумкинлигига қарамасдан, ҳар бир корхона бошқарув жараёнига рақамли технологияларни қўллашда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши лозим бўлади. Мазкур сценарий асосида ҳар бир корхоналар мавжуд рақамли платформалардан эмас, балки корхона хусусиятларини инобатга олувчи индивидуал платформаларини яратиши зарур ҳисобланади.

Тўқимачилик корхоналари томонидан бошқарув жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб муаммосига айланиб улгурди. Бошқарув жараёнида рақамли технологияларни қўллаш орқали корпоратив маълумотлар ва жараёнларни тартибга солиш, корхонанинг алоҳида қисмларини бирлаштириш ва харажатларни сезиларли даражада камайтиришнинг бир қатор усуллари мавжуд.

Корпоратив бошқарув сифатини баҳолаш кўрсаткичлари тизими бир вақтнинг ўзида иқтисодий хусусиятга эга кўрсаткичларни ўз ичига олади, масалан: капитал унумдорлиги, моддий самарадорлик, автономлик коэффициенти, ликвидлик ва ижтимоий кўрсаткичлар: иш ҳақи даражаси, ижтимоий пакетнинг ўртача қиймати, яратилган умумий қийматдаги иш ҳақининг улуши, корпорация томонидан яратилган қўшимча қиймат.

Корпоратив бошқарув сифатини ўрганишда ижтимоий кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарурати уларнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодий кўрсаткичлар билан бевосита алоқаси мавжудлиги билан тасдиқланади.

